



ФИДОЙИЛИК ТИМСОПИ

2-бетда

ТУШДА АЁН БЎЛГАН ДИПХИРАЛИК

7-бетда

БЕШИҚДАН ТО БОЛАЛАР МЕБЕЛИГАЧА...

8-бетда

Ошпа Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.


Ислом КАРИМОВ

Жамият

28 (1335)-сон 19 июль 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ЎЗИНИ АСРАГАННИ – ХУДО АСРАЙДИ



“Паспортимни бер, юртимга қайтаман”, десам, Матлаб бошимга муштраб, йиқитди. Хушсиз пайтим мени зўрлади. “Агар яна жанжал кўтарсанг, ўрмонга олиб бориб, тириклайн кўмиб ташлайман, ҳеч ким тополмайди”, деб кўрқитди. Бегона юртда Аллоҳдан бошқа суянчигим йўқ эди.

5-бетда

УШБУ СОНДА:

МУКОФОТГА ПОЙИҚМИ,
НОПОЙИҚМИ?..

“Зулфиячи”лар хусусида фикрлар...



3-бетда

БАХТГА ЧАНГ
СОЛГАН ХАТО



Шифокорнинг гапларидан аллақачон ўзимни йўқотиб қўйгандим. У яна нималар деди – эслолмайман. Ёдимда қолгани: “Синглим, таҳлилларингизда ОИТС аниқланди.

4-бетда

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ АХБОРОТЛАШТИРИЛМОҚДА

Айни пайтда бутун дунёда миграция жараёнлари ва қидирув фаолиятини назорат қилишда электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базасидан кенг фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ҳам шундай тизимлар фаол жорий этилаётир.

ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тизимида электрон ахборот тизимлари бошқармаси ташкил этилади.

Давлат хизматлари, жумладан, биометрик ҳужжатлар бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинча пропискага қўйиш, яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш, шунингдек, Ўзбекистонга кириш ва чиқиш, фуқароликка қабул қилиш, фуқароликдан чиқиш ва фуқароликни йўқотиш соҳасида интеграциялаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бошқарманинг асосий вазифаларидандир.

Миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш масаласида идоралараро электрон ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни аниқлаш ва фош қилиш,

қидирув ишларини олиб боришда кўмаклашиш ҳам бошқарма фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бошқарма ходимлари зиммасига ахборот тизимлари узлуksиз ишлаши учун уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича туман ва шаҳар бўлимлари фуқароларни паспорт тизими масаласи бўйича қабул қилишни электрон тартибга солиш учун зарур ускуна ва дастурий таъминот билан босқичма-босқич жиҳозланади.

Зеро, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир.

Роман Бондарчук, ЎЗА

ОТА-ОНА ҚЎПИДАГИ ОМОНАТ



6-бетда

ЁДНОМА

Ҳаётини, умрини Ватани ва халқининг порлоқ келажаги учун бахшида этган, фидойи, жонқуяр, жасратли инсонлар борки, уларнинг номлари тарихга би-тилади, хотиралари қалбларда абадий яшайди. Собиқ тузумнинг тахликали даврида таназзулга учраб бораётган юртимизга истиқлол шамолини олиб кирган қатъият ва жасрат соҳиби шубҳасиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Имом Каримовдир.



ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Бугун она Ватанимиз чорак асрлик истиқлол йўлини босиб ўтди ва ана шу қисқа даврда Биринчи Президентимиз Имом Каримов раҳнамолигида очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган, дунёда "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, ривожланиш стратегиясига эга бўлган, халқро майдонда юксак обрў-эътибор қозongan давлатга айланди.

1938 йилнинг 30 январида қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида дунёга келган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Имом Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севган ва умрининг сўнги кунларига қадар она Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг тинчлиги ва эртаси ҳақида қайғурган фидойи инсон эдилар.

Биринчи Президентимиз санотнинг барча тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги, мамлакатимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида, ташқи сиёсат, илм-фан, маданият, аҳолини соғломлаштириш, спорт ва бошқа барча соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Амалга оширилган ислохотлар замирида "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улғу тушунча асосий ўринга қўйилди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва бебаҳо тарихий меросимизни асраш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун ҳар биримиз Ватанимизнинг 3 милг йиллик буюк давлатчилик тарихи билан гурурланиб, ўтмишда яшаб ўтган Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа

Баҳроуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий каби улғу алломаларимизнинг муқаддас ҳокларини зиёрат қилиш, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва бошқа бобокалонларимизнинг буюк ўтмиши билан фахр этиш, инсоният тамаддуни, жаҳон илму фани ва маданиятининг буюк намоедалари бўлмиш Абу Али ибн Сино, Беруний, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий каби даҳоларимизнинг биз учун ҳаёт мактаби бўлган меросини ўрганиш бахтига эгамиз.

Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билimli, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзлари барчамизнинг қалбларимизга муҳрланган. Имом Каримовнинг: "Ким эдигу ким бўлдиқ? Эртага ким бўлишимиз қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган фикрларини эслаганимизда юртимизда қад ростлаган янги иншоотлар, ютуқларга эришаётган йигит-қизларнинг бахтли нигоҳлари, спортчиларимизнинг дунё миқёсида қўлга киритаётган ютуқлари кўз олдимиздан ўтаверади...

Буюк фазилатлар соҳиби бўлган бу беназир инсон, барчамизга юртин севишни, Она Ватанини ҳимоя қилиш олий бурч эканлигини ўргатиб кетдилар ва биз учун фидойилик тимсолига айландилар.

Барно ТЎХТАНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети "Маънавият ва маърифат" бўлими услубчиси

ГУЛИСТОНДА "МАҲАЛЛА КИТОБСЕВАРЛАРИ" ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, педагоглар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсўлотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши

ижроси доирасида ўтказилаётган ҳафталик Сирдарё вилоятидаги барча маҳаллаларда махсус режа асосида ташкил этилади.

Ҳафталик доирасида вилоят ахборот-кутубхона маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан "Бадий асарлар билимдони" викторинаси, "Менинг биринчи китобим", "Мен ўқиган китоблар", "Мен китобни нечун севаман?", "Энг ёш китобхон", "Фахрий китобхон" беллашувлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ўтказилаётган "Энг намунали маҳалла кутубхонаси", "Энг китобсевар маҳалла" кўриктанловлари ўтказилмоқда.

Тадбирларда фаол иштирок этган китобсеварлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланаётди.

ЛОНДОНДА «КУЁШНИНГ 365 КУНИ» КИТОБИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси аънанавий Ёзги қабул маросимини ўтказди, унинг мавзуси «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» бўлди.

Тадбирда 200 га яқин фахрли меҳмонлар – парламентарийлар, британиялик дипломатлар, вазирлик, идора ва сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, етакчи ОАВ ва нашриётлар вакиллари қатнашди.

Пазандалик шоуси доирасида таниқли ўзбек ошпази Баҳриддин Чустий етти хил таом тайёрлади. Меҳмонлар ош, дўлма, манти, кабоб, бедана кабоб, тухум дўлма ва булғори дўлма, сомса ва бошқа таомларни татиб қўришга муваффақ бўлдилар.

Тадбирнинг асосий воқеаси Welcome to Uzbekistan сериясидаги «Кўёшнинг 365 кун» китоби тақдими бўлди. Dinara&Co нашриёт уйи томонидан «Ўзбекнефтегаз» АЖ кўмагида чоп этилган китоб ўзбек миллий таомларига янгича нигоҳ ташлаб, мамлакатдаги рецептлар, ҳаёт тарзи, меҳмондўстлик аънаналари ва манзарали жойлар ҳақида ҳикоя қилади.

Ярим йил давомида ижодий гуруҳ, шу жумладан, рецептлар ва ҳикоялар муаллифи Баҳриддин Чустий ва машҳур суратчи Андрей Аракељян мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, ноодатий таомлар, жойлар ҳақида қизиқarli маълумотларни топишган.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ИЖТИМОЙ ДОРИХОНА ТАРМОҚЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор имзолади.

Қарорда фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар мавжудлиги таъкидланди ва улар санаб ўтилди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан улзуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгиланди:

2017 йил 1 августдан бошлаб Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тартибидеда «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси (кейинги ўринларда «Ўзмедэкспорт» РТИДК деб юритилади) томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади;

2017 йил 1 июлгача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади;

тиббиёт махсўлотларини сертифицилаштириш фақатгина «Ўзстандарт» агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликка Иқтисодий вазирилик, Молия вазирилик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик, Адлия вазирилик ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида ўзининг ижтимоий дорихона тармоқларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

МУНОСАБАТ

Инсон қалби меҳрдан куч олади. Эътибор ва ғамхўрлик, ҳатто бир оғиз ширин сўз ҳам кўнглимизга малҳам бўлиб, ишимизга унум ва барака беради.

МАҲАЛЛА ЖОНҚУЯРЛАРИГА РАҒБАТ

Президентимизнинг жорий йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Қарори барчамизни бирдек қувонтирди.

Маҳалла ишида эл-юртнинг ҳамжихатлиги жуда муҳим. Ҳар бир маҳалла ўз қайноилари, нуроний ва фаолларининг ташаббускорлиги, жонқуярлигига таянади.

Мазкур Қарорга кўра, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол оғяларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилатика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдирланади.

4500 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бизнинг маҳалламизда ҳам ўғил-қизларини эл-юрт корига

камарбаста қилиб тарбиялаган, давлат ва жамоат идораларида кўп йиллар давомида меҳнат қилиб нафақага чиққан, катта ҳаёт тажрибасига эга отахон ва онахонларимиз бор. Айна пайтда жамиятимизнинг турли соҳаларида меҳнат

қилаётган маҳалладошларимиз ҳам жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида, маънавиятли-маърифатли қилиб тарбиялашда бизга қўшқан бўлиб келишмоқда. 2016 йилда маҳалламиздаги нотинч оилалардан ажралиш ниятида 24 ариза тушган бўлса, Яраштириш комиссияси аъзолари ва фаолларнинг саъй-ҳаракатлари билан 22 оилани, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тушган 8 аризани ўрганиб, 7 оилани яраштиришга эришдик. Ажралиш ёқасида турган оилаларда аҳиллик муҳитини қайта тиклашда, шунингдек, ёшлар билан ишлашда, маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ана шу жонқуяр маҳалладошларимизнинг ҳаётий тажрибаларига суянамиз.

Уларнинг маҳалла тизими ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва ибратли фаолиятини кенг тарғиб қилишимиз эса бундай жонқуяр инсонлар сафини янада кенгайтиришни шубҳасиз.

Равшан ТўРАЕВ,
Яшнобод туманидаги "Тонг" МФЙ раиси

МУКОФОТГА ПОЙИҚМИ, НОПОЙИҚМИ?..

“Зулфиячи”лар хусусида фикрлар...

ТАҲЛИЛ

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда уч-тўрт шеър матбуотда чоп этилган, ёки қандайдир танловда совриндор бўлган қизларнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотида даъвогарлик қилаётгани, айрим қизлар ва уларнинг ота-оналари, ҳар қандай йўл билан бўлмасин, ушбу мукофотни қўлга кириштиришга ҳаракат қилаётгани, бу эса шундай юксак Давлат мукофотининг нуфузига соя солаётгани ҳақида кескин фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Ҳақиқатан, ушбу мукофот учун ўтказилаётган танловларда бундай «қўлдан ясалган юлдузча»лар сони йилдан-йилга ортиб борганини кузатиш қийин эмас. Табиийки, бундай жараён иқтидори бор, ўз қизиқиши доирасида ҳаракат қилиб, юқори натижаларни қўлга киритаётган қизларнинг шаштини пайсатириб қўйиши ҳам турган гап.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун кейинги йилларда хотин-қизлар кўмиталари томонидан қатор чора-тадбирлар белгиланди, кўмита ходимлари, соҳага дахлдор мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказилди. Хўш, эндиликда ушбу мукофот учун талаб ўзгардими? Унга тайёргарлик жараёни-чи? Фақат танлов ўтказилиши арафасидагина қизлар бу ҳақда оғохлантириляптими, ёки йил давомида иқтидорли қизлар билан иш олиб бориляптими?

– Илгари ушбу мукофотнинг саралаш жараёнида иштирокчилар сонини оширишга кўпроқ аҳамият бериларди, – дейди Жомбой тумани ҳокими ўринбосари, хотин-



қизлар кўмитаси раиси Ҳафиза Ҳасарова. – Эндиликда мукофотга номзод қизларга талаб кескин ўзгарди. Аввало, таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилиб, унинг нуфузи, аҳамияти хусусида ёшларга тушунча берилмоқда. Қолаверса, йил давомида билимлар беллашуви, олимпиадаларнинг республика босқичида юқори ўринларни эгаллаган, мамлакат, халқаро миқёсдаги танловларда муносиб иштирок этган қизлар аниқланмоқда. Ҳозирга қадар таълим муассасаларидан 50 нафарга яқин шундай қизлар рўйхати шакллантирилди. Июнь, август ойларида эса шу қизларнинг эришган натижалари, жамоат ишларидаги фаоллиги, юртимиздаги ислохотлардан нечоғлик хабардорлигини кўмита кўриқдан ўтказди. Шу нуктага назардан эндиликда иштирокчиларнинг мукофотга лойиқ, нолойиқлиги назоратдан ўтмоқда. Тавсифномадан тортиб, натижага, бари кўриқдан ўтади, тегишли йўл-йўриқ кўрсатилади. Табиийки, бу жараён мукофотга саралашда қизлар сони эмас, уларнинг маънавий дунёқараши, натижалари

муҳимлигига эътибор кучайганидан далолат беради. Мактаб, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорликда изчил фаолиятимиз ўз натижасини бераётди.

Шу пайтга қадар Жомбой туманидан икки нафар қиз - Рушана Амонова ҳамда Дурдона Олимова Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлишди. Ўтган йиллар давомида Гулшан Раимова, Ноила Маматова, Мадина Бобоқамбарова, Сурайё Эшбоева, Дилбар Рустамова каби қизлар танловнинг республика босқичида ҳам иштирок этишди.

Баъзи туманларда мазкур мукофотга сазовор бўлган қизлар йўқлиги, ҳатто танлов давомида унинг республика босқичига ҳам чиқа олмагани бу ҳудудда иқтидорли қизлар йўқ, деган хулосани бермайди. Аксинча, йил давомида улар билан тизимли ишлаш, саралаш, тегишли йўналиш бериб бориш кўмита раисларининг асосий вазифаси эканлиги Жомбой тумани мисолида ҳам кўриниб турибди.

Гулрух МҲМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

facebook

ЭНГ КУЧЛИЛАРГА БЕРИЛСИН

Гулчеҳра Умарова:

– Аслида улуг шoir номи билан Давлат мукофоти таъсис этилгани эътирофга лойиқ. Лекин бундай юксак мукофотни кўнгли ўқимасин, деб ҳар бир вилоятдан келган биттадан қизга ҳар йили бериш тўғримикин? Ёшларимиз орасида истеъдодлилари кўп. Аммо бир неча йиллар олдин шу мукофотни олганларнинг ҳаммаси ҳам бугун ую оқлаптимиз? Бу ҳақда балки жиддий ўйлаб кўришимиз керакдир.

Ноҳира Назар:

– Бу мукофот энг яхши мукофотлардан бири... Унинг номи эса адабиёт ҳақида сўйлаётгандек... Бироқ мен бир нарсасига ҳеч тушунолмаيمان: нега, бу мукофот фақатгина ижодкор аёлларга эмас, спортчи ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам тақдим этилмоқда?! Менимча, бундай ўйлаб кўриш лозим... Зулфия – ўзбек шеъриятидаги энг дилбар шоирларидир, демакки, бунга муносиб номзод танлаш ҳаммамизга боғлиқ! Ким «малика» бўлишни истамайди дейсиз?! 90 фоиз инсонда шухратта интилиш кучли! Ҳақиқий истеъдод эса тортинчоқроқ ва имкон берилса, кескир сўзлар ила сизга рўбарў бўлади. Улар юлдуз бўлишдан кўра китоб varaқлашни энг бахтли он деб ҳисоблашса, не ажаб! Бу мукофотнинг ҳақиқий соҳибалари бор ва бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак!

Зилолабону Ҳолиқова:

– Бу мукофотнинг ёши нега чегараланган? Мени лол қолдирадигани шу!... Тушунтириб берадиганлар борми. 16 ёшлик қизалоқларга Давлат мукофоти бериши... ха майли... лекин нега ўттиз ёшлилар қатнаша олмайди?

Наргиза Бўронова:

– Зилолабону, саволингиз ўринли. Фикрингизга қўшиламан. Ёшнинг чегаралаш бошқа мукофотлардаям бор. Ёши ўтган ёки ҳали бу катта мукофотга ёшлиқ қилади, деган қарашлар 30 ёшлиларнинг икки ўртада қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Эътиборга олиш керак бу масалани. Ёш оилага имтиёз масаласида ҳам шундай. 30 ёшда оила қурганлар нима қилишини унда?! Ёшларга эътибор берилгани яхши, лекин 30 ёшдан ошганлар бирдангина катталар сафига ўтиб қолгани эмас. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилигининг уй-жой масаласида муаммолари бўлиши аниқ...

Мусалламбону Умирова:

– Шундай инсонлар борки, истеъдодни Яратганининг инъоми деб билади, уни таъма куралига айлантирмайди. Масалан, танловнинг Тошкент шаҳар босқичида ҳайъат аъзоси бўлганимда кўнгиноқлар қилиб, фалончига биринчи ўрин, писмадончига иккинчи деганлар бўлган. Ёшларимиз орасида юзлаб истеъдодлар бор. Улардан атиги бир номзод республикага чиқади, тан олинади. Натижада қанчадан қанча ёшларнинг шижоати сўниб, ўз-ўзига, жамиятга ишонсизлик пайдо бўлади қалбиди.

Адиба Умирова: – Менимча, Зулфия мукофоти энг истеъдодли қизларга берилиши керак...

МАСЛАҲАТЧИ

Бухоро шаҳридаги Абдуҳолиқ Гиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира опа Файзуллаевани таниган-билганлар “Маҳалланинг моҳир маслаҳатчиси” дейишади.

– Ҳаётимни, тақдиримни маҳалла фаолияти билан боғлаганимга қўл вақт бўлди. Маҳалла ватаннинг бешигидир. Ҳамюртларимиз тақдири билан боғлиқ ютуқлар ҳам, оғриқлар ҳам энг аввало маҳаллада шаклланади. Бизнинг Абдуҳолиқ Гиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида 2615 нафар аҳоли 580 хонадонда истиқомат қилади. Маҳалламизда миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини олиб бориш мақсадида турли соҳа мутахассислари билан маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказаялмиш. Уйма-уй юриб хонадонлардаги ижтимоий-маънавий

муҳитни ўрганиб, оилалардаги муаммо ва ташвишларни шу ернинг ўзида ҳал этишга ҳаракат қиялмиш. Юртимизда инсон қадри барча нарсадан кўпроқ улуғланади ва инсон манфаатлари бош таъминли ҳисобланади. Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида ҳам айна шу мақсад кўзланганини кўраимиз. Халқимизга хос бўлган фазилатлардан бири кексаларни ҳурматлашдир. Қайси оилада кўпни кўрган, ёши улуг кекса бўлса ўша ерда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, энг аввало, маънавий қимматлиқ устун бўлади.

Ўқитувчилик касбини шарафлаб, мактабда узоқ йиллар болаларга чет тилидан сабоқ берган, сўнг маҳаллада фаолият юритаётган Моҳира опа Файзуллаевани бир жойдан топиб бўлмайди.

МАҲАЛЛАНИНГ ЖОНКУЯРИ



Гоҳ кекса отахону-онахонлар билан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда, гоҳ маҳалла ҳудудига яқин бўлган таълим муассасаларидан бирда ўсмирлар билан қизгин суҳбат устида, гоҳ вояга етмаганлар ва ёшлар билан учрашувларда кўришга, кўтилмаган пайтда хонадонларига кириб бориб, “Яхши ўтирибсизларми?” дея ҳол-аҳвол

сўрашига маҳалладошлари ўрганиб қолишган.

Маҳалла ҳаёти билан танишар эканмиш, маҳалладошларнинг ўзаро аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, низоли ҳолатлар деярли учрамаслигини, бу ерда яшовчи оилаларни мустаҳкамлаш, улардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш яхши йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлди.

Маънавий муҳит, соғломлиги у ерда фаолият юритаётган ҳамюртларимизнинг жонкуярлигига боғлиқ. Абдуҳолиқ Гиждувоний маҳалласини бугун нафақат Бухоро шаҳрида, балки республикамизда ҳам энг намунали маҳаллалардан бири сифатида яхши билишади. Бу гўшанинг бундай ном билан танилишида эса маҳалла фаолларининг алоҳида хизмати бор. Юрт тараққиёти ва келажаги қайсидир маънода асосан маҳаллалар мисолида кўринар экан, қаҳрамонимиз каби ўз касбининг фидокори бўлган инсонлар кўпайишини чин дилдан иертдик.

Гўзал РҲЗИЕВА

ТААССУФ

Тахририятимизга кириб келган ёшгина аёл негадир ўзини таништиришни истамади. Қалбини кемираётган изтироб кўзларида акс этиб турар, юзига мунг соя солганди. “Лозим топсангиз, чоп этарсиз. Эҳтимол, бизнинг тақдиримиз кимларгадир сабоқ бўлар”, дея юпқагина дафтарни кўлимизга тутқазди...

Дафтардаги ҳикоя шундай бошланганди:

“Турмуш ўртоғим билан севишиб турмуш қургандик. Иккимиз ҳам олийгоҳни тамомлагач, ишга жойлашдик. Кўпқаватли уйлardan алоҳида хонадон олиб, кўчиб чиқдик. Бахтиёр эдик. Толганимиз рўзгордан ортиб, уйимизнинг кам-кўстини бутлашга бемалол етаётганди. Аммо... Фарзандга ташналик юрагимизни тобора кемтиклаштириб борарди. Иккимиз ҳам бир-биримизни ярдик. Бироқ Шерзод акам дўстларининг фарзандлари ҳақида, ўтказаётган ақиқа-ю суннат тўйлари тўғрисида гапира бошлаганида, ўзимни ноқулай вазиятдан кутқара олмасдим. Бормаган шифокор, табиб қолмади. Жавоблари битта: “Фарзанд кўрасизлар. Фақат вақт керак. Кутиш ва умид керак!”

Кейинги пайтларда дугоналар даврасидан ҳам безиллаб қолдим. Суҳбат мавзуси айланиб, фарзандларга тўхтавериши қалбим орқиқларини ангилашини истамасдим...

Турмуш ўртоғим бир куни тўсатдан: – Гули, хорижга кетсамми деб турибман. Сардорни биласану – курсдошим, Россияга қатнаяпти. Анча ўзини тиклаб олибди, – деди-ю, кўп ўтмай кетишга қарор қилди.

Ваҳоланки, ҳаётимиз учун ҳамма нарса етарли эди. Шундай бўлса-да, бу қарорга қарши чиқмадим. Вақт дил яраларимизга малҳам бўлар, Яратган айрилиқ синовини бериб, сўнг ортидан тирноқ берар, деб ярим кўнглимга таскин бердим.

Яхшиям, телефон бор. Ҳар кунги суҳбатларимиз айрилиқ дардига малҳам бўлаётганга ўхшар, овозимизни эшитиб, хавотирларимиз арирди. Вақт эса ўтиб борарди.

Ниҳоят эрим уйга қайтди. Хувиллаган кўнглимга нур кирди. Гўё орадан ўтган вақт бизни бир-биримизга янада қаттиқроқ боғлагандек эди. Шундай кунларнинг бирида ўзимни беҳол ҳис қила бошладим. Кўнглим айниши, асабларим таранглашуви сабаб шифокор текширувига бордик.

Гинеколог бизга неча йиллик орзумиз ушалганини айтганда, қай ҳолга тушганимни тасаввур қила олмайсиз. Еттинчи осмонда парвоз этардим гўё. Эримнинг қувончи ҳам кам эмасди. Мени даст кўтарганча уй ичида чир айланар: “Мен ота бўламанми?! Фарзандим бўладими?! Сени қанчалар яхши кўришимни билсайдинг!”, дея ҳайқирарди.

Ҳаётимиз янада нурга тўлди. Ҳомиладорликнинг учинчи ойидан сўнг шаҳримиздаги поликлиникага тиббий кўриқка чиқдим. Тахлиллар топширдим. Кўп ўтмай, негадир гинекологимиз шахсан ўзи кўнгирақ қилиб, қайта

дим...

Узоқ суҳбатлашмадик. Шифокорнинг гапларидан аллақачон ўзимни йўқотиб қўйгандим. У яна нималар деди – эслолмайман. Ёдимда қолгани: “Синглим, тахлилларингизда ОИТС аниқланди. Демакки, эрингизнинг “у ёқдан” келиши ва ҳомиланинг вужудингизда ривожлана бошлаши сизга ўз таъсирини кўрсатган. Касаллик турмуш ўртоғингиздан сизга, сиздан болага ўтган...”

Қувончим узоққа бормади. Дунё кўзимга тор кўрина бошлади.

Турмуш ўртоғим аввал барини рад этди, кейинчалик минг афсус билан

қайтаришга қодир эмасмиз! Умримиз тобора тугаш нуқтасига яқинлашарди. Ҳадемай ўлишингни ҳис қилиб яшаш, яна бу ўлимнинг нақадар аянчли ва шармандали дард эвазига эканини ҳис қилиш қанчалик азоблигини билмайсиз!.. Бундай изтиробни душманимга ҳам раво кўрмайман!

Эрим мени даволашига кўндирди. Иккимиз махсус диспансерда даволана бошладик. Узоқ текширувлардан сўнг шифокорлар қондаги вирус бир қадар кучсиз эканини, ҳомиладан воз кечиб орқали бу касалликдан ҳам маълум маънода қутулиш мумкинлигини айтишди. Рад этдим. Ахир бу бахтга, керак бўлса “ҳомиладор аёл” деган мартабага неча синовларни енгиб, не-не маломатларга тош тишлаб, аранг эришдим-ку! Оналик бахтини эндигина ҳис қила бошлаганимда, бу сезгидан айрилиш – қанчалик даҳшат!

Кўз олдим қоронғулашиб, ҳушимни йўқотдим. Ҳушимга келганимда, бошимда эримнинг маҳзун қиёфасини кўрдим. У синиқ жилмаяркан деди:

– Мени кечир, биламан, кечиринингга арзимаёман. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Яна фарзандли бўламиз. Фақат сен сиқилма, жоним, илтимос, ўзингни кўлга ол...

Ҳаммасини тушундим. Мен энди “ҳомиладор аёл” эмасдим. Боламдан айрилгандим... Турмуш ўртоғимга шу тобда раҳим келиб кетди. Менига далда беряпти-ю, ўзини аранг кўлга олиб турибди. Қўйиб берса у ҳам фарёд ургудек. Биргина ножоиз қадами бизни не кўйларга соляпти-я?!


Кўли енгил шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳаётга қайтадан келгандек бўлдик. Юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар чексиз имкониятлар эшигини очганига, биз каби билиб-билмай аянчли дардга чалинган беморлар дардига малҳам бўлаётганига амин бўлдик. Мени эса ҳамон бир армон қийнайди. Тугилмаган гўдақда не гуноҳ эдики, ўзгалар “роҳат”ининг қурбонига айланди? Ахир у неча йиллик орзумиз, муҳаббатимиз меваси эмасмиди? Энди фарзанд уволи тутмасмикан бизни?

Кечалари гўдак овозини эшитгандек бўламан: уйғониб кетаман. Юрагимни тобора исканжага олаётган армондан қутулолмайман...

Ҳикоя шу ерда ниҳоясига етганди. Ундаги тақдир барчани ўйланишга мажбур этиши табиий. Хорижга бориб, ризқ топаётганлар ўз оиласи бағрига қайтгач, энг аввал тиббий кўриқдан ўтсалар яхши бўларди. Ахир бежиз айтмайдилар: ёмонликни ўйламай туриб, яхшилик кўби бўлмайди деб...

Зилола РАҲМОНОВА

БАХТГА ЧАНГ СОЛГАН ХАТО



қон таҳлили топширишим шартлигини айтди. Юрагим безовта бўла бошлади. Аммо турмуш ўртоғимга сездирмадим. Айтилган таҳлилни топширдим. Натижа аниқлангач, шифокор билан хонада ёлғиз қолдик. Муслима опа (гинекологимиз) ҳамширасини ҳам чиқариб юборди. Кўзларимга қаттиқ тикилганча сўз бошладим:

– Гулмираёно, турмуш ўртоғингиз чет элга, айтайлик, Россиягами ёки бошқа бирор хориж давлатига ишлаш учун борганми?

– Тинчликми, Муслима опа? Буни нега сўраяпсиз? – кўнглим ғаш бўлиб, беихтиёр сумкамни гижимлай бошла-

тан олди. Ўзини иродаси сустликда, иймони кучсизликда айблади. Энг ёмони, айбини мижозини “синаб” кўрганлиги баҳонаси ортига яширгани бўлди! Ёлвориб узр сўради. Аммо не наф? Мен ҳайкалга айлангандим: жисми тиригу руҳи марҳум ҳайкалга! Кунларим зулматга юз тутди. Юрагим остида ураётган жажжи юракчани асраб қолиш фикри тинчлик бермай қўйди. Эрим ҳолатимни кўриб, минг пушаймон. Бироқ сўнгги пушаймоннинг охирини биласиз.

Уни кечирдим. Лекин қанийди, бу кечирим барини ўзгартира олса! Йўқ, хатоларни тўғрилаб бўлмайди, ўтган умрни

ОИЛА ВА ДИН

Ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётида шундай манзара кузатилади: Тонг саҳарда ҳаммадан олдин уйғонган оналаримиз, келинларимиз, опа-сингилларимиз хонадонни саришталаб, оила аъзоларини нонуштага чақирадилар. Нонуштадан сўнг ишга отланарканмиз, оналаримиз дуога қўл очиб, кунимиз хайрли-баракали бўлишини тилайдилар. Ҳаётимиз оналаримиз, опа-сингилларимиз, аҳли аёлимиз билан обод.

Оилаларда оналарни ардоқлаш, қизлар тарбиясига масъулият билан қараш, фарзандига, айниқса, қизига яхши тарбия берган ота-оналарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш миллий анъанамизга айланган. Хуусан, уларнинг таълим-тарбияси, маънавияти, бекаму кўст вояга етиши учун зарур бўлган масъулият, оталар зиммасидадир.

Аммо айрим фикри бузуқ кишиларнинг аёлига нисбатан ҳурматсизлик қилиб, ўз насабларини унинг насабидан устун қўйиб: “Менинг отам фалончи ўтган, сенинг отанг ким бўлибди”, деб даъво қилиши, ёки

УЙДА АЁЛ ЭЪЗОЗЛАНСА

арзимаган камчиликларини топиб, фарзандлари олдида онанинг обрўсини тўкиши оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Насаб олий бўлгани яхши. Лекин оламдан ўтган қариндошларнинг хислати билан ундан кейин келган шахслар қийматини ўлчаш нотўғридир.

Онага оилада фарзанд тарбиясига масъул асосий шахс сифатида қарар эканмиз, уни эҳтиромда тутиш, болалар олдида ҳурматини сақлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Уқизи, илм олиши, фарзандларимиз таълим-тарбиясига кўпроқ вақт ажратиши учун барча шароит ва имкониятларни аҳли аёлимизга яратиб бериш бизнинг зиммамиздаги бурчимиздир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Иймон” китобида фарзандлар тарбияси ҳақида шундай дейилган. “Исломиий нуқтаи назардан бола тарбияси келажак авлодни кўнглидагидек вояга етказиш, оила мустаҳкамлиги аёлларнинг кўчага чиқиб, ўзига мос бўлган ишларни қилиб, 4-5 тана пул топганидан афзал ҳисобланади”.

Ҳар биримиз онамизнинг тарбиясини олганмиз. Уларнинг дуолари, меҳри, бизга берган ўғитлари, ҳаётий ибратини бизни турли ноҳушиликлардан асрайди. Ортиқча худбинлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади. Ердаги барча нарсалар оналаримизга, аёлларимизга бўлган муҳаббат туфайли юзга келган. Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам, ватан келажagini ҳам ҳимоя қилади.

Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади, болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру-хотин – ота-онанинг ўзаро муносабати билан шаклланади. Ҳар бир хонадон эркаклари, вояга етаётган ўғиллар оилани, онани, опа-сингилларимизни ва аҳли аёлини ҳар жиҳатдан эҳтиромда тутиб, ҳимоя қилишга қатъий киришса, у хонадонда отанинг ўрни, мавқеига заррача путур етмайди. Ота ва ўғил, ака-укалар тарафидан ҳимояланган оила жаҳиятнинг энг бой маънавиятли ва энг обрўли хонадонига айланади.

Бахтиёр ЎРОЛОВ

МИГРАЦИЯ

Бугунги кунда кўплаб ҳамюртларимиз пул топиш, оиласини иқтисодий таъминлаш мақсадида иш қидириб, хорижга йўл олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда таққи меҳнат миграциясининг қонуний асослари яратилган бўлиб, ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги томонидан тартибга солинади.

Аммо пул топиш учун отланаётган ҳамюртларимизнинг аксарияти ҳамон ноқонуний йўллар билан хорижга чиқиб кетмоқда. Ачинарлиси, уларнинг барчаси ҳам яхши шароитда ишляпти, деб айтолмаймиз. Пойтахтимизда фаолият юритаётган “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази хорижга бориб, жабрланиб қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга кўмак бериш билан шуғулланади. Марказга мурожаат қилганлар тақдири билан танишганда пул топиш аёл шаъни, кадрдан ҳам устунроқми, деган савол туғилади.

Ф.Алимардонова, 35 ёш, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида туғилган:

– Уч нафар фарзандим бор. Хўжайиним ёлланма ишчи. Ҳеч қандай касб-корим йўқлиги туфайли қозон қайнамапти. Дилбар исмли танишим уйимизга тез-тез келиб турарди. Бир сафар: “Хоҳласанг Россияга бориб ишлаб кел, ўзим қафилман”, деб қолди. Хўжайинимни амаллаб кўндирдим. Дилбар ўз ҳисобидан Новосибирск шаҳрига олиб кетди: “Энагалик қиласан, ойига 800-1000 АҚШ доллари олсан”, деб ишонтирди.

У ёққа боргач, курилиш объектига олиб бориб: “Ҳўн кун шу ерда ошпазлик қилиб турасан, кейин бошқа ишга ўтасан”, деб Матлаб исмли прораб қўлига топширди. Жой, озиқ-овқат билан таъминландик. У ерда ўзбекистонлик йигитлар, эркаларга овқат тайёрлаб бердим, кирларини ювдим. Уч ой ўтса ҳамки, Матлаб ойлик бермади. Ахийри, “кетаман”га тушдим. Матлаб очикдан-очик дағдагага ўтди. Дилбардан эса ўша кетганича дарак бўлмади. Менда ҳам нафрат, ҳам кўрқув пайдо бўлди. Биринчидан, болаларимни соғинганман, иккинчидан бир тийинсиз, бировнинг хизматини қилиш жонимга теғди. “Паспортимни бер, юртимга қайтаман”, десам, Матлаб бошимга муштраб, йиқитди. Хўшсиз пайтим мени зўрлади. “Агар яна жанжал кўтарсанг, ўрмонга олиб бориб, тириклайин кўмиб ташлайман, ҳеч ким тополмайди”, деб қўрқитди. Бегона юрда Аллоҳдан бошқа суюнчигим йўқ эди.

Ўн кундан сўнг Матлаб иккига бўлинган паспортимни ёнимга ташлади. Худо юртимга, болаларим бағрига эсон-омон қайтишимга йўл берди. Бу дунёда яхши одамлар кўп. Уларнинг ёрдамида уйимга етиб олдим. Уйга қайтгач, у ёққа бориб нотўғри қилганимни, хўрланганимни эримга айтдим, калтак зарбидан кўқарган жойларимни кўрсатдим. Аммо зўрланганимни айтишга тилим бормади... “Адолатсизлик қурбони бўлдим. Хиёнат қилмадим, мени зўрлашди”, деган таскин билан яшардим. Бироқ виждон азобига чидаш қийин экан. Бу гапни қачондир, вақти соати билан эримга айтаман.

У ёқдан қайтганимдан сўнг икки йил уйдан кўнчага чиқмай ўтирдим. Кейин Термиз шаҳридаги “Барқарор ҳаёт” марказига мурожаат қилдим. Ушбу марказ директори Олия она Илмуродованинг ёрдамида тикувчиликни ўргандим.

Марказга келаётганимда, йўлда, автобусда бир қиз ҳушдан кетиб йиқилди. Одамларнинг бири унга сув тутса, бири



кўтариб ўриндиққа ўтқизди, бошқаси “Тез ёрдам”га сим қоқди. Шуларни кузатиб, одамийлик, одамгарчилик ўлмасин, ўз юртимдан қўямасин, дейман. Ўзга юртинг бир бурда нонини ейиш қийин экан. Ўлсанг ҳам биров билмайди. Ватанимнинг миннатсиз туз-нонича ношукрлик қилганимга пушаймонман.

Одина МИРЗАЕВА, 1984 йил Андижон вилояти, Олтинкўл туманида туғилган:

– Оиламиздаги беш фарзанднинг учинчисиман. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Маданият” маҳалласига ишлагани келиб, хўжайиним билан шу ерда танишиб, бир-биримизни ёқтириб қолгандик. Тўйдан сўнг қайнонам доимий рўйхатга қўймади. Устига-устак фарзанд кўриш имконияти ҳам йўқ эди. 5-6 йилча аҳил-иноқ яшадик. Кейин уйдагиларга ёқмай қолдим. Бу орада қайинсинглим ҳам турмушидан ажрашиб келди. Майда-чуйда гап сўзлар кўпайиб, келишмовчилик авж олди. Қайнонам уйдан кет, деб хайдаса ҳам хўжайиним кетишимга рухсат бермасди. Бир куни қайнонам уюшқа нозирага устимдан шикоят қилибди. На никоҳ қоғози, на доимий рўйхатим бўлмагач, ички ишлар ходимлари мени уйдан чиқиб кетишга мажбур қилишди. Кўч-кўронимни йиғиштириб, Андижонга – ота уйимга қайтдим. Акалар, жияларим ҳар йили Қозоғистонда ишлаб келишади.

Қозоғистон фуқароси Гулмира Искандаровага 20-30 нафар ишчи керак экан. У Избоскан тумани Пойтуғ шаҳрида яшовчи Қориака (тўлик исмин билмаймиз) деган одамниқига келиб, акамни уйига чақиртирган. Қориака ўртада туриб, одамларни Қозоғистонга юборишга қафил бўлди. 2016 йил 23 март куни акам, укам, қишлоқдаги хотин-халаж – жами 20 киши Қозоғистонга кетишди. Бир ойдан сўнг акам хотинига қўнғироқ қилиб, яна беш-олти нафар одам йиғиб келишини тайинлабди. Келиноним, мен яна уч нафар одам 17 апрель куни чиқиб кетдик. Олмаота шаҳри яқинидаги Шунжей қишлоғида бизни Гулмира кутиб олиб, даласига олиб борди. Ҳар биримизга ойига 200 АҚШ долларидан пул беришини айтган, рози бўлдик. Паспортимизни йўқотиб қўясизлар, деб олиб қўйди. Бир ой қовун-тарвуз, помидор, ерёнғоқ, картошка экдик. Биринчи ой эркаларга пулини бериб, аёлларга кейинроқ бе-

ришни ваъда қилди. Иккинчи ойдан ишчилардан айб қидира бошлади. 8 нафар ишчининг қўлига озгинадан пул бериб, уйларига жўнатиб юборди. Далада қолганларга эрини олиб келиб, пойлоқчи қилиб қўйди. На ойлик, на овқат бермай қийнади. Уч-тўрт кунлаб оч қолдик. Андижонга қўнғироқ қилиб,

“Паспортимни бер, юртимга қайтаман”, десам, Матлаб бошимга муштраб, йиқитди.

Хўшсиз пайтим мени зўрлади.

“Агар яна жанжал кўтарсанг, ўрмонга олиб бориб, тириклайин кўмиб ташлайман, ҳеч ким тополмайди”, деб қўрқитди. Бегона юрда Аллоҳдан бошқа суюнчигим йўқ эди.

аҳволимизни айтилик десак, телефониимизда пул йўқ. Бир куни ойлик сўраб Гулмиранинг хонадонига бордик. Дарвозасини очмади, мардикор йигитга далага боришин, ўша ерда гаплашаман, дегач, қайтдик. Кейин келиб: Шу буюноқ кетсаларинг, кетинглар, бўлмаса кечаси одам олиб келиб, ўлдиртириб юбораман”, деб пўписа қилди. Нарсаларимизни йиғиштириб, Шунжейнинг даштида уч кеча-уч кундуз сарсон-саргардон бўлиб, охири бир қишлоққа етиб олдик. Кўчада Талғат исмли одамни учратиб, дардимизни айтдик. Ўша одам сув, нон берди. Телефонимизга пул тўлагач, Андижонга холамга қўнғироқ қилиб, пул юборишини сўрадик. Талғат паспортни нусхасини Андижонга юборгач, унинг номига банкка 100 АҚШ доллари келди. Пулни майдалаб озиқ-овқат олдик. Талғатнинг ёрдами билан Қозоғистондаги Ўзбекистон элчихонасига бориб, ариза бердик. Элчихона бизни “Родник” марказига топширди. Улар энг аввало, соғлиғимизни тиклади. Чунки шерикларим далада оч қолиб, ошқозон касаллигини, захда буйрак оғринини орттириб олган, мен эса гинекологик

касалликка чалингандим. Даволаниб, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлашгач, ватанга қайтиш учун гувоҳнома беришди. Чегара постада бизни Шоҳида опа Қосимова кутиб олиб, Андижондаги “Меҳримиз сизга” марказига юборди. Марказ директори паспортларимизни қайта тиклашимизга ёрдам берди. Айни кунларда пойтахтдаги “Машхура” ўқув марказида сартошликка ўқияман. Насиб бўлса, ўз тадбиркорлик ишимни очиб ниятидаман.

Шоҳида ҚОСИМОВА, “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази мутахассиси:

– Марказимиз алданган, фирибгарлик йўли билан хорижга олиб чиқиб кетилган фуқароларга ёрдам кўрсатади. Мақсад – жабрланганларга ўзини тиклаш, жамиятга қайтишига ёрдам беришдир. Кўпинча борган давлатида бўлиш тартибини бузгани учун хотин-қизлар маъмурий жавобгарлик билан қайтиб келишади. Устига-устак жабрланган, хўрланган хотин-қизларнинг аксарияти стресс ёки шок ҳолатида бўлади. Шу боис энг аввало, уларнинг соғлиғини тиклашга эътибор қаратилади. Сўнг ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, яъни, паспортларини тиклаш, оиласига қайтиб кириш ишлари олиб борилади. Хотин-қизларни ҳар доим ҳам оиласи, яқинлари қабул қилавермайди.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганидан сўнг касб-хунарга йўналтирилади. Психолог билан суҳбатлашгач, “Машхура”, “Иф-фатли келин” ўқув марказларига ўқишга юборилади. 2017 йилнинг 6 ой ҳолатига кўра 30 нафар жабрланган хотин-қизга реинтеграция жараёнида қўллаб-қувватлаш ёрдами кўрсатилди. Марказ қошида “Долзарб алоқа” (мурожаатлар учун +99895 143-94-94) телефон тармоғи ташкил этилган. Ушбу тармоқ орқали хорижга чиқиш, ишга жойлашиш ва чет давлатларда қонуний бўлиш тартиблари тўғрисида мурожаатлар қабул қилинади. Маълумотлар махфийлиги сақланган ҳолда бепул маслаҳатлар берилади.

Мавзуни ўрганиш жараёнида ишлаб, пул топиш мақсадида хорижга кетиб, хўрлик, зўрликдан зада бўлиб, афсус-навомаатлар қомида юртимизга қайтган кўплаб хотин-қизлар тақдири билан танишидик. Уларнинг барчаси бир нарсани – ноқонуний меҳнат миграцияси инсоннинг ҳаётига, соғлиғига қанчалар путур етказишини, шаънини, кадр-қимматини булғашини таъкидлашмоқда. Шундай экан чет элни орзу қилаётганлар одам савдоси ва фирибгарлик қурбони айланмаслик учун бораётган жойида меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси этилишига эътибор берсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. “Ўзини асрагани – Худо асрайди”, деган гап бежиз айтилмаган.

Нигора РАҲМОНОВА, “Оила ва жамият” муҳбири

ТАРБИЯ

Атрофга назар ташлайлик: рўпарасидан келаётган, қўлига асо тутган кампирни туртиб, ҳеч кимга эътибор бермай ўтаётган, кулоқчин орқали мусиқа тинглаб, ҳар замонда калласини ғайриоддий тарзда ликиллатиб кўяётган ўспирин...

...Автосуца чиқаётганда белининг ярим қарич жойи очилиб кетганидан сираям хижолат тортмаётган, аксинча, унга суқ билан тикилган йигитлар нигоҳидан мағрурланаётган бўй қиз...

...«Бемаҳалда қаёққа кетаяпсан?» дея ортидан хавотирланиб чиққан онасининг юзига кўча эшикни «қарс» этказиб ёпиб: «Нима ишингиз бор, ёш бола эмасман-ку!» дея тўнғиллаган ўғил...

...Сочларини ёйиб, тўзғитиб ишига ё ўқишига отланганида чиройли турмақлаб олишини маслаҳат берган қайнонани маданиятсизликда, қоқоқликда айблаб, гап билан сийтаб кетаётган янги келинчак...

Афсуски, бу манзаралар бирор кинофильмдан лавҳа эмас, балки ҳаётда кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳолатлар. Нақадар оғриқли, нақадар аянчли! Хуш, тарбия жараёнида қандай хатоларга йўл қўйдик-ки, фарзандларимиз катталарни, ота-она, қайнона-қайнотани ҳурмат қилмайдиган, менсимайдиган даражага келиб қолди? Уларни биз орзу қилгандек яхши инсонлар бўлиб камолга етишлари учун нималарга кўпроқ эътибор қаратишимиз керак?

«ЎҒЛИМИЗ ЎЗИ ҚАЙСИ КОЛЛЕЖДА ЎҚИР ЭКАН?!»

Мамашокир БОБОХЎЖАЕВ,
Норин туманидаги «Умархўжа Эшон» масжидининг имом-хатиби:

– Дарҳақиқат, буюк алломаларимиз: «Бола ота-она қўлида бир омонатдир», дейдилар. Бу фикрни Президентимиз ҳам таъкидлаб: «Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан оғоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас», деган мулоҳазани баён этдилар.

Тўғри, шу кунгача ёшлар тарбияси хусусида кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Аммо баъзи ўринларда биров лоқайдликка берилганимиз ҳам ҳақ гап.

Ҳаётининг бир мисолни келтирай. Ўтган йилнинг бошларида касб-ҳунар коллежларида давоматни яхшилаш юзасидан ўқувчиларнинг ота-оналари хузурида бўлган эдик. Ушанда бир отадан фарзанди нега коллежга бормайдигани ҳақида сўрасак, у шундай деганди: «Ўғлимиз ўзи қайси коллежда ўқир экан?!»

Менимча, бу ҳолат ниҳоятда оғриқли. Бефарволикнинг бундан зиёда кўриниши бўлмас керак. Фарзанди мактабни тугаллаганига икки йил бўлса ҳам, уни қайси коллежда ўқиётганини билмайдиган, билишга қизиқмайдиган шундай оталарнинг борлиги – бизнинг фожиамиз. Бу қандай оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Демак, оилалар билан кўпроқ иш олиб боришимиз, ота-оналарга ота-оналик масъулиятини чуқурроқ, теранроқ аниқлашимиз керак.

ПУЛИМ ЙЎҚЛИГИ УЧУН ОБРЎЙИМ ҲАМ ПАСТ ЭМИШ...

Комила опа (исм ва манзил ўзгартириб берилмапти), Наманган шаҳри:

– Икки нафар қизим бор. Афсуски, уларни отасиз катта қилдим. Эрим автохалокатга учраб, вафот этганида тўнғичим икки ёшда эди. Улар ўқимаслиги учун ўзимни ўтдан чўққа урдим. Не истасалар, барини муҳайё қилишга уриндим. Бир куни роҳат

кўришимга ишонардим-да...

Бироқ орзуларим хомжаёл бўлиб чиқди. Бир йил олдин узатилган катта қизим ҳайит арафасида келиб, юборган йўқловларимни юзимга отгудай бўлди. Арзон-гаровга олган сарполаримни деб, қайсингиллари олдида шарманда бўлган эмиш. Ёшлиги, ҳали кўп нарсага ақли етмаслигини ўйлаб, дилим оғривди, ўзимни юпатдим.

БИР БОЛАГА ҲАЛИ ҲАМ – ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА АДАШАЛИ БЕКМИРЗАЕВ, Учкўрғон тумани Қайқи қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси, халқ таълими аълоҳисси:

– Дарҳақиқат, келажак авлодни одоб-ахлоқли, таълим-тарбияли қилиб воёга етказиш барчамизнинг бурчимиз. Фарзандларимизни миллий ва умумин-

ган, қадр этилган. Улар тўғри йўл кўрсатиб, фарзандларининг ҳам фикр-мулоҳазаларига қўлоқ тутишган. Шундан бўлса керак, дунёга донг кетган буюк даҳолар айнан бизнинг заманимиздан етишиб чиққан. Бугун эса нима қилиш керак, деган савол барчани ўйлантириб қўйди. Бу масала давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

Аслида барчасига ўзимиз айбдоримиз. Ота-она ҳамиша тўй-маърака, гап-гаштак, югур-югур билан банд. Барчасига «рўзгор» деган ғорни рўқач қилиб оламиз. Дилбандлар-чи? Оилада миллат давомчилари билан дилдан суҳбат ўтказувчилар қанча? Афсуски, бармоқ билан санарли. Асосан болалар телевизор ёки компьютер қаршида воёга етмоқда. Мультфильмлар, кинолар, барчаси гапирса-да, жонли мулоқот эмас. Шунда яхшиям, таълим муассасалари бор, дегимиз келади.

лигим ёдимга тушади. Кўчамизда Турсунбой Нишонов, Аҳмаджон Тиллабоев, Қозихон Ҳасанов, Бойтўра Юнусов, Бойдеда Болтабоев деган нуруний отахонлар, Ҳидоятхон, Хосиятхон, Хонойимхон, Робохон, Шарофатхон сингари қайвони онахонлар бўларди. Уларнинг ёнларидан ўтишга ийманардик. Салом бериш одобини ўргатганлар. Камчилигимиз бўлса, хато қилсак, танбех беришарди. Биз ҳам уларнинг панд-насихатларига қўлоқ тутганмиз.

Бугун ана шу тизимни янада кучайтириш, фарзандларимизда ҳам кўникма ҳосил қилиш лозим. Билмаганларини ўргансинлар, хатоларини ўз вақтида англасинлар. Шундагина жамиятимиз учун фидойи, одоб-ахлоқли буюк алломалар юртининг ворислари бўлган ёшларни тарбиялаб бера оламиз.

ХУЛОСА ЎРНИДА:

Маълумки, шу йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Президентимиз маъруза қилиб, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида ниҳоятда ўринли, очик ва аччиқ гапларни айтдилар.

Айниқса, Президентимизнинг: «Баъзи ёшларимиз учун меҳроқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат», деган сўзлари барчамизни хушёрликка ундамоғи керак.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири



соний кадрятлар асосида одобли, билимли, соғлом қилиб тарбиялаш, халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик фазилатларини шакллантириш муҳим вазифадир.

Хозирги замон қиёфасига бир назар ташласак, билинтийрмай бостириб келган «оммавий маданият» ўғил-қизларимизга, ҳатто катта ёшлиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳар нарсига «ҳақман» дея даъво қилишлар доим учрайди. Ота-онига тик боқиш, гап қайтариш, ўз фикрини тўғрими, нотўғрими ўтказишга интилиш одатга айланди. Афсуски, булар халқимизга хос маданият белгиси эмас.

Ота-она ҳамиша эъзозлан-

Бироқ фарзанди тарбиясига ота-онанинг томошабин бўлиб туриши асло кечириб бўлмайдиган хатолардан бири. Айрим ота-оналарнинг мактабда таълим бераётган устозларни ҳам бефарволикка ундашлари-чи? Боласидан ўқини талаб қилган ўқитувчига: «Боламга бундай талабни қўйма!» дегувчилар ҳам топилади.

Тўғри, кичкинтойлар бир ниҳол, аммо унинг тарбиясига вақтида биров қаттиққўллик ва талабчанлик билан ёндашилмаса, нималар қилмайди дейсиз? Оилада, мактабда одоб-ахлоқ меъёрлари ўргатилиши шарт. Айниқса, маҳаллада «бир болага – етти қўшни ота-она», деган сўзларда ҳаёт ҳақиқати мужассам. Шу мақолни эшитсам, бола-

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ер кадастри бўлими томонидан Коровяковский Сергей Ивановичга тегишли Ҳасанбой 2 мавзеси № 609-рақамли уй ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ИЗҲОР

ОТАМНИНГ ҒАМХҲҮРЛАРИ

Юртимдан, яқинларимдан узоқларда пешонамга битилган қисматни опичлаб, гоҳ йиғлаб, гоҳ юпаниб ўтиб борапман... Бир йилда бир келадиган дийдор онларини кутгандан кутиб, фарзандлик бурчимдан гоҳ кўнглим тўлиб, гоҳ тўлмай, олдимга тансиқ таом келганда, отамга илиниб, етказолмай, томоғимга текилиб куйиб ўтъяпман... Ҳақ билан ҳақсизлик ўртасида гоҳ ўзимни йўқотиб, гоҳ топиб, тутаб кетяпман...

Юртим, отам соғинчида ўртанган дамларим, телефон – менинг малҳамим. Жиянларимнинг кўнгиракдай жарангланган овозларидан ором оламан: «Амма, оппоқдадам яхши, хавотир олмаг, ўзимиз қараяпмиз», дея ҳолдан тойган



МАРВАРИД-МАРЖОНЛАРИМ

жонимга жон берар фаришталарим бор. «Раҳмат болам, илоийм, юзга кириг, отамнинг ташвишида жоним ҳалак эди», дейман кўзда ёшим билан, сўнг яна кўнлик юмушимга овора бўламан. Турсунойим, Малоҳотойим, Султонойим ва Мадинабону, сиз хувиллаб қолган боғимизда чаман-чаман очилган гулларсиз. Отажонимнинг эркатойлари, овуноқлари, малҳами жонларсиз. Менинг жондан азиз қизларим, оймомаларим, гулу лолаларимсиз. Ҳар бирингиз мен учун бебаҳо дуру гавҳарсиз.

Кўлингиз кўксингизда кулиб салом берасиз, ширин сўзларингиздан атроф ёришиб кетади. Қижир-қижир кулишиб, ҳовлиларга сув сепиб, гуллар экиб, ўсмаляр ўстириб, ота ҳовлини чаманзорга айлантирасиз. Ҳар Турсуной деганда онамни эслаб, Султонойни кўрганда аммаларини кўмсаб, Малоҳат-ла Мадинани бағрига босиб, бир оз бўлса-да, ғамни унутиб, яшайди отам.

Кимдир чумоли филнинг юкени кўтара олармиш, деса ишонмасдим. Бугун бунга иқдорим бор. Менинг осмондай зил-замбил юкени чумолидай сиз, митти фаришталарим опичлаб юрибсиз. Яна сиз гулистондай жуфтдан, Алпомишдай ўғлидан айрилган қадди дол, бағри хун отамнинг тоғдай юкени ортоқлаб боряпсиз... Бир йилда бир кўрадиган узоқдаги қизи дийдорига интизор отамнинг дардларига давосиз. Бирингиз Салимасиз, бирингиз Одина...

Ота уйимга ташрифларимнинг бирида беш ёшли Малоҳатим мени ўзча қарши олди, кўзлари ёшланиб, узоқ бағримда қолди. Эртасига қулғимга сирли шивирлаб: «Амма, сизда гапим бор», деди. «Гапир, жон болам», дедим ҳайрон бўлиб. «Юринг, ўзимиз гаплашайлик», дея четга имлади. «Вой, қақажоней, нима дейсан», дея ортидан юрдим. Ҳовлининг бир четига бориб: «Амма, оппоқдадам: «Эй Худо, жонимни ол», дея кўп йиғляпти. Сиз айтиб кетинг, ундай демасин, оппоқдадам ўлиб қолса, нима қиламан, ахир мен бунга чидолмайман-ку».

Унинг дардли нигоҳига боқиб, ҳайратдан қотиб қолдим. Зўрга тилга кириб, бағримга босдим: «Жон болам, йиғлама, айтиб қўяман, оппоқдадан энди бундай қилмайди, юрак-бағрингни эзмайди», дея овутидим. Жияним – Малоҳатим таскин толгандай бўлди. Чиройли кўзлари чақнаб, ўртоқлари томон югуриб кетди...

Яна бир кун ҳовлида отажоним анжир дарахтини суғора туриб, Малоҳатга меҳр билан термулиб: «Анжирлар ҳам пишиб қолар бир-икки ойда, мазза қилиб тўйиб ейсиз-да», деди кулиб. Малоҳатнинг кўзлари бирдан ўзгарди, оппоқина юзлари жийдйи тус олди: «Оппоқдада, бу нима деганингиз, анжир пишса бирга-бирга емаймизми, сизсиз анжир керакмас, шуни билмайсизми?».

Дадам шунчаки айтган сўзи Малоҳатга

ёмон таъсир этганидан шошиб қолди: «Бўпти қизим, анжир пишса, бирга еймиз». Шундай дея дадам менга маъноли боқди, Малоҳатнинг гаплари қалбига ёққанини, шамдек ёниб, кўнглига ёруғлик олиб кирганини илғадим.

Отамнинг кўнглига бир қатим нур қадаб яшаётган ой қизларим, сиз ота ҳовлимдаги давлатимсиз, марвариду маржонимсиз. Яратгандан сизга тугал бахт, чиройли тахт тилайман. Бироқ, ўз қисматини сизга раво кўрмайман. Сизлар палоҳмон тошидек отилар чоғингиз, отангиздан йироққа тушманг. Унинг яқинидан бахт топинг, тез-тез дийдорлашиб яшанг...

ИНТИЗОРНИ ОНАМ

Онажоним, шу пайтгача сиз ҳақингизда ёзишга журъат этолмадим, кўлимга қалам олсам, юрагим оқиб кетаверарди. Гарчи, сиздан айрилганимга саккиз йил бўлди, ҳамон хотиралар уммонда сузиб юрибман... Сизни ўйласам, ҳамон бир армон ич-ичимдан кемираверади... Сизга бир оғизгина сўз айтмоқни истайман, лабларим: «Соғиндим», дея пичирлайди. Яна титроқ билан юм-юм йиғлайман...

Мана вақти-соати келиб, дил изҳоримни қозога тўкмоққа куч топдим. Ҳаётингиз охириги кунлари мени роса кўмсабсиз, йўлимга интизор бўлиб, «тик» этса, эшикка термулибсиз. Бироқ, уларимга бир оғиз: «Опанга кўнгирак қил, бир келиб кетсин», демабсиз. «Салимаҳон келмадимми», дегувчилар кўп бўлибди.

Сиз эса ёнимни олиб: «Уни ҳам рўзғори, иши бор, болалари ёш, узоқ йўл», дебсиз.

Онажоним, иймонингиз басаломат бўлгани учун ҳамма нарсани олдиндан ҳис қилиб турардингиз. Умрингиз ниҳояланиб бораётганини ҳам аниқ билиб, рўй бериши мумкин бўлган воқеаларни аниқ тасаввур қилиб ётгансиз. Бир куни ён қўшнимиз Одина опамга «Салима таъзиямга етиб келолмаса одамлар гап-сўз қилишармикан-а», деган экансиз. Оҳ, юраги қон онажоним-а, ҳаётининг сўнги кунлари ҳам менинг кадр-қимматини ўйлаган муштипарим-а...

Синглингиздай бўлиб қолган, сизни ҳаммиша эъозлаб юрадиган Шаҳзода опам кўргани келганда: «Салима келса-ю, мени тополмаса, қандай аҳволга тушаркин-а», деб зорланибсиз. Ўзингиз дийдоримга зор бўлиб, минг азобда ётган бўлсангиз-у, яна мени ғамимни едингизми? Бунинг ўрнига «Энди сен менинг изларимга зор бўл», деб кетсангиз бўлмасмиди, онажон.

Худди айтганингиздек бўлди. Мен фарзанд бўлиб, тобутингиз бошида айтиб-айтиб йиғлолмадим, Сизни охириги йўлга кузатолмадим. Айтишларича, ўша куни катта ҳовлимизга одам сиғмай кетибди, бу кутилмаган ўлимга ишониб-ишонмай одамлар қатор-қатор бўлиб келаверибдилар. Уларнинг орасида фақат мен, жондан ортиқ суйган фарзандингиз, йўқ эдим ҳолос...

Сизни қабрга қўйган куни эмас, эртаси ҳам эмас, индинига етиб бордим, онажон. Ким нима, деди, қандай қаради, билмайман. Бироқ, ўзим ичдан қуладим, жисмим ер билан яқсон бўлди, оламни зулмат қолади... Етимликда кўнгли ярим бўлиб ўсгани боис сизга суяниб қолган, энди сиздан ҳам айрилиб, ҳақиқий етимга айланиб, куйиб кул бўлган отам бир сўз айтиди шу куни: «Салима, қиз узатсан, қўшнингга узат, нарсаси бўлмаса, ёнингдан қўшиб бўлса ҳам узати!» Табиатан оғир, беозор отагинимнинг менга бошдан охир айтган энг оғир сўзи шу эди...

Донишманддан: «Инсоннинг энг оғир аъзоси қаери?» деб сўрашганда, «Бу унинг юраги», деб жавоб қайтарган экан. Юрагимдаги бу зил-замбил юкни ортоқлаб ўтиб борапман, онажон. Барча эзгу амалларим сабовини сизнинг руҳингизга бағишлаб, тиловатлар қилаяпман. Жисму жонимга охиратда ёруғ юз билан учрашиш илинжи куч бериб туради.

Салима ХОЛДОРОВА

СИНОАТ

Ассалому алайкум азиз ва қадрдон «Оила ва жамият» газетаси ходимлари! Мен доимий муҳлисингизман. Ҳаётим кузатувларим, кўрган кечирганларим асосидаги ҳикояни сизларга юборяпман. Ундаги воқеалар балки кимгадир сабоқ бўлар, деган умиддаман.

Ҳурмат билан Фотима БОЛТАЕВА

Хоразм вилояти Қўшқўпир туман 26-мактаб хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси

...Рамазон ҳайити куни йўқлов-сўровлар билан толиққан Соғиданинг телефонига тунги соат 12:00 да СМС келди. Тирикчилик вақидан дадаси билан хорижда ишлаб юрган ўғли айём билан кутлабди. Хабарни ўқиб, соғинч ёшларига фарқ бўлган Соғиданинг уйкуси қочди.

Алламаҳалгача турли ўйлар қуршовида ётиб, кўзи илинибди. Тушига бир аёл кирди: улар билан бир қишлоқда яшармишу, негадир у аёлни тушуниб бўлмасмиш. Ўз тилида нималардир деб чуғурлаётган аёл кўлидаги катта жувордишни унга санчмоқчи бўлармиш. Соғида игнани торттиб олмоқчи бўлиб аёлнинг кўлига ёпишибди, шунда игна бехосдан ҳалиги аёлнинг иягига тегиб, қонатиб юборибди.

Кўрган тушидан кўнгли ғашланган Соғида «Хартугул қон чиқди-ку, тушда кўринган қон ёруғлик дейишди. Яхшиликка бўлсин илоҳим», дея ёқасига туфлаб қўйди.

...Эрталаб қизи Мухсина коллежга отланганида: «Бегона машинага чиқма, эҳтиёт бўл! Ёмонлардан узоқроқ юр», деб қайта-қайта тайинлади.


Тушдан кейин Мухсина чет элда ўқиб келган, айни

ТУШДА АЁН БЎЛГАН ДИЛҲИРАЛИК

пайтда уларнинг коллежиди ишлаётган тоғасининг ўғли уни машинада олиб келганини айтганида Соғиданинг кўнгли ёришиб: «Барака топсин, қиз бола бир ўзи юрмасин деб кўчамизгача олиб келиб қўйибди», деган ўйда йигитни дуо қилди. Эртаси куни эрталаб сут топиришга чиққанида қўшни аёлларнинг авзойи ўзгарганини, унга сирли, синчков қарашаётганини сезди-ю, сабабини сўраб ўтирмади.

Соат тўртларга яқин шовқин тўполондан кўчага чиқса, шундоққина ён қўшнисининг уйи ёнаётган экан. У ҳам челақда сув таший бошлади. Бироздан сўнг ёнғин ўчди. Шу пайт Мухсина ўқишдан қайтди. Хотинлар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Соғиданинг ҳайдовчи йигит билан куюқ сўрашганини кўрган қўшнилар бир оз иккиланиб қолишди. Соғида бу йигит акасининг ўғли эканини, коллежиди дарс беришини, икки фарзанди борлигини айтганида аёллар тилини тишлашди. У кетмоқчи бўлганида аёллардан бири уни тўхтатди ва сал бўлмаса уйининг кули кўкка соврилмаёзган қўшни аёл: «Ёш нарсаси бир оилали эркакни йўлдан уриб, машинасида юрибди. Отаси билан акаси йўқ-да, билганини қилади», деб Мухсинанинг шаънига жуда хунук гап тарқатганини, бу гапни маҳалладаги ғийбатчи хотинлар икки кундан бери муҳокама қилаётганини гапирди қолди.

Соғиданинг дили оғриди. Бир кўнгли қизининг ёнини олиб, ғийбатчиларини юмма талагиси келди. Бироқ куни кеча Абу Лайс Ас Самарқандийнинг «Танбехул гофилун» китобиди ўқиганларини эслаб,



ўзини босди. Унда шундай ёзилганди: «Уч нарсага кучинг етмаса, уч нарсага маҳкам ушла. Бировга яхшилик қилишга кучинг етмаса, ёмонлик қилишдан сақлангин. Агар одамларга фойданг тегишига қодир бўлмасанг, зарар келтиришдан ўзингни сақлагин. Агар рўза тутишга қодир бўлмасанг одамларнинг гўштини емагин (яъни ғийбат қилмагин)».

Уйига кираркан, кўрган туши ҳаёлида жонланди. «Уни бежизга кўрмаган эканман, янаям қон чиққани ёруғлик бўлибди. Бўлмаса, ғийбатчи қўшнимнинг уйи куйиб, кула бўлармиди... Ундан кейин сочини юлиб тўрт тарафга юрганнингининг фойдаси бўлмасди. Яна Аллоҳ билувчироқдир», деб ўйлади.

Фарзона НАБИЕВА тайёрлади.


ТАДБИРКОР

Яхши ниятда тўй қилган, ўғил уйлантириб, қиз чиқарган хонадонларда меҳмонлар: “Илоҳим келгуси йил бешик тўйларига етказсин”, дея дуо қилишади. Бу – болажон халқимизнинг энг эзгу тилақларидан бири. Қиз узатган хонадон вакиллари набирали бўлишгач, бешик харид қилиш ҳаракатига тушади. Бешик – хонадонларда эзгу тилақлар тимсолига ўхшайди.

“Ислоббек мебел файз сервис” хусусий корхонаси ҳам дастлаб фаолиятини бешик ясашдан бошлаган эди. Асли бешиксоз уста бўлган корхона иш

бор, – дейди “Ислоббек мебел файз сервис” хусусий корхонаси раҳбари Ҳикоят Полвонбоева. – Турмуш ўртоғим ясаган бешик, беланчақ, ҳалинчаларни яхши ният билан харид қилган инсонларнинг дуоси, эзгу нияти туфайли корхонамизга кундан-кунга баракка қиряпти. Ҳар бир инсон албатта, яхши ният қилиши керак. Шунда ўйлаган мақсадига эришади. Биз ҳам яхши ният билан шу корхонани очдик, биргалишиб қилган меҳнатларимиз мана, ўз самарасини берапти. Бугунги кунда болалар каравоти, ошхона ва ётоқхона тўпламлари, турли ўлчамдаги сандиқ-кутилар, китоб жавонлари ва офис жиҳозлари ишлаб чиқаряпмиз.

Ўртимизда тadbirkorларга берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, шахарнинг Бирдамлик



БЕШИКДАН ТО БОЛАЛАР МЕБЕЛИГАЧА...



юртувчиси Талъат Бобоев уч-тўрт нафар хунарга уқвли йигитларни ёнига олиб, бир-биридан бежирим бешикларни бозорга чиқарганида тилга тушди. Фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб маҳалла ёшларини иш билан таъминлаган уста хунараманд тез орада йирик тadbirkorга айланди.

– Бешикнинг ўзига яраша хосияти

маҳалласи ҳудудидаги эски қаровсиз ётган болалар боғчасини нол қийматда олди. Ҳозирда маҳсулот турини янада кўпайтириб, қўшимча янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилляпмиз. Асосан Бекобод, Зафар, Ширин шахарларидаги мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж ва бошқа корхона ташкилотлар билан ҳамкорлик қиламиз. Tadbirkorлик фаолиятимизни 2016 йилдан бошлаган бўлсак, шу пайтга қадар кўплаб корхона, ташкилотлар билан шартнома имзоладик. Жумладан, жорий йилнинг июн ойига қадар 70 миллион сўмлик маҳсулотни шартнома орқали етказиб бердик. Эндиги режа чех фаолиятини янада кенгайтириб, ишчилар учун янги ошхона ва дўкон қуришни мўлжаллаб турибмиз. Келгуси йил ушбу лойиҳани амалга оширсак, маҳалла ёшларидан яна 10 нафари иш билан таъминланади.

Бирор бир ишни бошлашдан олдин инсонга фақат орзунинг ўзи камлик қилади. Tadbirkorлик учун ҳам билим ва хунардан ташқари уддабуронлик жуда кўл келади. Оила бошлиғи Талъат Бобоев ҳам ёшлигидан эгаллаган хунари ортидан уддабуронлиги боис тинимсиз меҳнат қилиб шу даражага

эришди. Баъзан битта бешик ясаш учун тунларни тонга улади. Ўшанда нима қилиб бўлса-да, ишни тезроқ битиришни эмас, кўркам ва сифатли бешик ясашни ўйларди. Чунки шароити оғирлар ҳам, имконияти борлар ҳам ҳаётда албатта, бешик сотиб олиши, унда мурғак вужуднинг соғлом улғайиши учун қулайлик ва сифатнинг муҳимлигини уста яхши биларди. Бу тушунчани шоғирдларига ҳам йиллар давомида синдириб борди. Бозор талабларини ўрганиб, замонавий мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бел боғлашдан олдин тўнғич фарзанди Ислоббекнинг номига хусусий корхона очиб, аёлини раҳбар қилиб қўйди. Оилавий корхонадаги юмушларни албатта, ўзи назорат қилиб туради. Кирим-чиқим харажатлари хом-ашё захирасини мустаҳкамлаш, харидорлар билан шартнома имзолаш каби асосий юмушлар оила бошлиғининг зиммасида.

– Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмаган, – дейди Талъат Бобоев. – Муҳими, бажараётган ишингизга меҳр бериш, сидқидилдан адо этиш керак. Оддий кетмон солига ҳам эътибор ва иштиёқ билан ишлов бермасангиз иш кўнгилдагидек чиқмайди. Бунинг учун албатта, хунараманд уста бўлиш шарт эмас. Уқув билан ҳафсала бўлса бас. Оилада ўғил фарзанд тугилдими, рўзгордаги мана шундай оддий юмушларни бажаришга ўргатишимиз керак.

Эртага улғайиб мустақил ҳаётга қадам қўйганида қийналмайди. Шунинг учун ҳам ўғилларимдан шу нарсани талаб қиламан. Чунки ўзимиз ҳам болалигимиздан меҳнатда тобланиб ўсдик. Ҳаётда ўз йўлимизни толиб кетишда ҳам меҳнатининг алоҳида ўрни бор. Бугун аёлим Ҳикоятхон билан икки ўғил, бир қизни вояга етказиб, жамиятга керакли инсон бўлиши учун астойдил ҳаракат қилляпмиз.

Турли ўлчамдаги болалар мебелари териб қўйилган цех биносидан Бекобод шахар савдо мажмуасига йўл оламиз. Корхонанинг ижарага олинган савдо дўконидан ҳам корхона ишчилари ясаган маҳсулотлар бежиримлиги билан ажралиб турибди. Харидорлар учун хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тўлов терминали ўрнатилган. Икки нафар коллеж бу ерга келган харидорларга хушмуомалалик билан ҳар бир жиҳознинг бугунги кун талабларига жавоб бериши ва афзалликлари ҳақида эринмасдан тушунтириб беришяпти. Маҳсулот сифати харидорларга маъқул тушаётганлиги боис, мижозларнинг кети узилмайди.

Tadbirkorнинг фаолиятини ўрганиб, ҳақиқий ишбилармон киши аслида мана шундай бўлиши, катта ишга қўл уришдан олдин ҳеч иккиланмай дадил қадам ташлаши кераклигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Бектош ИСМОИЛОВ,
“Оила ва жамият” мухбири

ОГОҲЛИК

Ҳамюртларимизнинг турмуш тарзи фаровонлашиб боргани сайин, юртимизда узоғимизни яқин қилувчи автоуловларнинг сони кескин ортиб бормоқда. Ҳар бир инсон яхши ният билан машина сотиб олади. Аммо ундан эҳтиётсизлик билан фойдалансак, турли кўнгилсиз воқеалар юз бериши мумкин. Бунга ўзимизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлади.

Айрим ҳолларда автоуловнинг аккумуляторидан чиққан электр симлари кузовга ишқаланиш натижасида ҳам ёнгинлар содир бўлишини кузатиш мумкин. Бундай ёнгинларнинг олдини олиш бўйича ЁХБ инспекторлари фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб

боришмоқда. Агарда автоулов эгалари ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, автомашинасини юргизишдан олдин бир зум кўздан кечирса ёки автоуловида бирламчи ёнгин ўчириш воситаси (огнетушитель) бўлса, турли нохуш ҳолатларни бартараф этишади.

Ҳозирда нафақат автоуловлар, балки ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларда ҳам ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида кенг омма ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидалари тарғиб қилинмоқда. Ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш, моддий бойликларни ёнгин офатларидан сақлаш юзасидан йўриқномалар



бериб, яшаш жойларида хавфсизлик чораларини кўришга аҳолининг масъулияти оширилмоқда.

Ҳамюртларимиз бепарво ва лоқайд

бўлмасалар, уйда ҳам, иш жойида ҳам газ ва электр воситаларини ўз вақтида назорат қилиб, улардан фойдаланганда зийрак ва сергак бўлсалар ёнгинларнинг олдини олинади. Шунингдек, ёнгиннинг олдини олиш мақсадида қурилишлардаги масъул шахслар ва ишчи ходимлар кўрсатмаларга амал қилишлари лозим. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак турмушимиз соз ўтади.

Камронбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Бунёдкор ЁХБ кичик инспектори

Оила ва жамият
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 726. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5110. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчилар: Х. Мусурмонова
Б. Исмоилов
С. Саҳадилов
А. Маликов
Мусаҳҳах:
Саҳифаловчи:
Газета таҳририят компьютер марказида

ISSN 2010-7609



772010760007

терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5